

Махбуслардан 27 таси хотин-қиз, 13 таси вояга етмаганлар. Махбуслардан 346 таси суд, 331 таси тергов ҳисобида...» Мана, сизга аниқ ҳисоб-киتاب! Хулоса шунки, улар бу жой масжид эканлигини яхши билганлар.

Яна бир гап. Кимлар жиноятчи ёки тухматга учраган — буни аниқлаш мушкул. Улимга ҳукм қилинганларнинг қанчаси қатл этилгани ёки жазо алмаштирилиб, бошқа турмаларга олиб кетилганини ҳам айтиб бўлмайди. Бироқ, тор қафасга қўлаб тутқунлар тегиб ташлангани, инсон ҳуқуқлари бешафат топталгани шундоқ ҳам аён. Мисол учун, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «пахта иши» билан айбланган 850 нафардан ортиқ ҳамюртимиз шу жойда азоб чекиш-

да, Сардоба ўрни тусмоллаб кидирилди. Охири топилиб, тикланди.

Энди Одина масжидига келсак, қазихи даврида қадимий қурилиш ашёлари топилиди, ҳатто мугул хони Келакхон саройи ҳам шу жойда бўлгани ҳақида фаразлар пайдо бўлди. Афсуски, тарихчи олимларимиз қазихи ишларида қатнашмадилар. Ҳозир олимлар Одина масжиди 1385-1386 йилларда Амир Темура томонидан қурилган, деган фикрни билдиришмоқда. Бу фикр ҳақиқатга яқин. Чунки улуг саркарда Қарши қалъасини мустаҳкамлаб, қўлаб олий иморатлар тиклаган. Тарих фанлари номзоди Қамбар Насриддиновнинг фикрича, Одина масжидининг бўйи 50, эни 40 метрдан кам бўлмаган. Бино гишт

Нобб сурат. Бироқ унда масжиднинг улкан гумбази қўриқмайди. Уни ким бузган?

— Бу ҳам қизқаркли тарих, — дея изоҳ беради Қашқадарё вилоят ҳокимлиги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш масалалари котибияти раҳбари, фалсафа фанлари доктори Абдураҳим Эраев. — Маълумки, 1886 йилда Бухоро амири Музаффархоннинг ўғли Абдумалик тўра ғалаён бошлайди ва уни Қарши хони қилиб кўтардилар. Бундан чўчиган Музаффархон атрофдагилардан ёрдам сўрайди. Шаҳар тўпдан ўққа тутилади. Қўлаб бинолар вайрон бўлади, тўп ўқи Одина масжиди гумбазини учириб кетади. Гумбаз шунчалар улкан бўлганки, кейинчалик буни тиклай олмадилар. Бу воқеа

қилдик. Бинонинг кўп жойларини пойдевордан тортиб гишт билан тикка қилдик. Фақатгина бизнинг ташкилот бир миллиард сўмга яқин иш бажарди. Аммо ростини айтсам, деворлардан ёзувларни, белгиларни излаганмиш. Ахир, турма бўлган... Дарвоқе, булар ҳақида ҳам Сафар Каттабобоев гапириб берганди. Деворлар қавагидан анча-мунча қоғозлар, ёзувлар топилиди. Улар ўрганилмади. Чиреган қоғозларнинг биттасида «юзим» деган сўз лотин ҳарфида битилгани ўқиб кўрилди. Бошқа харфлар ўчиб кетган. Эҳтимол, махбус «юзим» ёруғ, жиноятчи эмасман, деб ёзгандир. Бундай нидоларни, тириклай кўмилганларнинг фарётини ким ҳам тинглаган дерсиз? Айбдорлар билан бирга, гуноҳсиз кишилар, миллий истиқлол курашчилари сақлангандир балки бу ерда? Сир, сир... Битта қоғоз парчасидаги форсча ёзув ўғирланганда, шундай маъно бор экан: «Қалам олдим, дедим: салом юзайин, ўзимни куйдирувчи гамим ҳикоясини том (девор)га ёзайин...»

МАСЖИДИНИНГ СИРИ

ЙИЛДАН СЎНГ...

ган. Бор-йўғи 10 кишига мўлжалланган камераларда 35-40 киши тикилиб, темир кроватларда навбати билан ўхлаган мажбур қилинган. Ҳали судланмаган, айби исботланмаган инсонлар оддий тоза ҳавога зор бўлганларини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

— Айтинг-чи, бу қадимий ёдгорлик тарихи тўла ўрганилганими?

— Мен ўрганиш давом этапти, деган бўлардим, — дейди Сафар Каттабобоев. — Ҳозирги ЎзМУ томонидан тўзилган илмий экспедиция 1965-66 йилларда Қарши атрофини ўрганганда, унга машҳур олим М. Массон раҳбарлик қилган ва ҳужжатларни тузган. Олимнинг «Фан» нашриётида 1973 йилда чоп этилган китоби ҳам бор. Ана шу ҳужжатларда XIX аср охири ва XX аср бошларида Қарши қўрғонининг қурилиши чиғиб кўрсатилган. Уларга таянсақ, Қарши қалъаси, унинг маркази Регистон майдони шу жойда бўлган, Одина масжиди, Бекмир, Хўжа Абдул Азиз, Қиличбой, Олий, Чорбоқ мадрасалари жойлашган. Ҳужжатлар орасида 1929 йилда олинган Сардобанинг сурати ҳам бор. Сардоба текислаб юборилиб, устига хўжалик бинолари қурилган экан. Қазихи, қурилиш ишлари бошланган-

устанлар орқали равоқларга туташтирилган. Катта гумбази намозгоҳнинг тўрида меҳроб бўлган, олтин халли харфларда Қуръон оятлари ёзилган. Кейинчалик анча пурдан кетган бинолар қайта таъмирлатилган. Шўро даврининг бошидаёқ масжиднинг олд айвони, баланд миноралар, меҳроб, мармар минбар ва бошқалар бузиб йўқотилган.

Тан олиш керакки, Сафар Каттабобоев ва қўлаб жонкуяр тадқиқотчилар томонидан анча ишлар бажарилиб, шаҳар тарихига ҳисса қўшилибди. Масалан, 1984 йилда Москвадаги «Планета» нашриётида Қашқадарё вилоятига бағишланган «Саратон» номли суратли альбом нашр этилган экан. Очиги, суратлар маҳорат билан олинган. Унинг ички муқовасида Қарши шаҳрининг самолётдан туширилган жуда катта сурати чоп этилган. Бироқ фотографиклар ўртадаги бино қамқоҳона эканлигини хаёлларига келтиришмаган чоғи. Бугун ана шу катталаштирилган сурат қамқоҳона ҳақида маълум таасурот беради. Яна бир сурат эътиборни тортади. 1932 йилда В. Шишкин олган суратда Одина масжидининг олд томони акс этиб қолган.

лар тарихчи Қамбар Насриддиновнинг «Қарши қалъаси» китоби, марҳум адиб Самар Нурийнинг «Қарши хони» романида тасвирланган. Бу воқеаларни ҳали яна чуқур ўрғаниш, тадқиқ этиш лозим...

Ҳа-я, бу дунёда кимдир қурса, кимдир бузаркан. Не бахтки, истиқлол буюк меъмор бўлиб ҳаётимизга кириб келди. Миллий кадриятларимиз ҳалқимизга қайтарилди, қанчадан-қанча ёдгорликлар таъмирланиб, давлат ҳимоясига олинди. Мен Қарши шаҳрининг тарихий тўйига ҳозирлик кўриш муносибати билан амалга ошган улкан ишлардан қувониб, эски Регистон майдонига етиб келдим. Уни ҳозир таниб бўлмайди, қўлаб ёдгорликлар қайтадан қад ростлаган, дарахтлар ўтказилган.

Одина масжиди эса қўли гул усталар меҳнати шарофати билан узоқдан қад қериб турибди. Бинонинг қўқ бўёкли янги гумбази кўзни олади. Масжид ҳовлисига ҳаяжон билан қадам қўяман. Қурувчилар чирий бошлаган қадимий эшик парчасини топишган экан. Енғоқ дарахтидан бухоролик уста Акмал ясаган янги қўш табақали дарвоза ва бошқа эшиклар бугунги меъмورлар санъатидан ҳикоя қилади. Бинога Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида пиширилган чоркунжақ гиштар ишлатилди. Намоз ўқиладиган бош хонақоҳ, тўрдаги меҳроб захматли меҳнат ва ихлос маҳсули. Хоналарни кўздан кечирар эканман, «Улимга маҳмуд этилганлар камераси қаерда экан?» деган савол кўнглимдан ўтади.

— Дастлаб биз ҳам шундай ўйларга борганмиз, — дейди асосий ишларни бажарган «Бухоро бунёдкор таъмир» масъулияти чекланган жамияти устаси Ҳасан Умаров. — Аммо ихлос билан меҳнат



Самолётдан олинган сурат. (Ўртада қамқоҳонага айлантирилган Одина жоме масжиди).

«СҮРҲОНОЗИҚ ОВҚАТСАНОАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни кириб келаётган муқаддас байрам —

Рамазон ҳайити билан табриклайди.

Ушбу муборак айём ҳар бир хонадонга, оилалармизга бахт, қувонч, фаровонлик олиб кирсин.

Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• Конституцияни ўрганамиз ва амал қиламиз

БОШ ҚОМУС МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциямиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Чунки Бош қомусда демократия ва ҳуқуқ, мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги ва бозор муносибатлари, тарихий ва маданий қадриятларни тиклаш ҳамда умуминсоний маданият ютуқларини эгаллаш, тенг ҳуқуқли халқро ҳамкорлик, ҳаёгон ҳамжамиятига қўшилиш асосида замонавий цивилизациялашган тараққиёт йўли белгилаб олинди. Унда қонуннинг сўзсиз устувор эканлиги эътироф этилди.

Қонун устуворлиги — юксак тушунча. Унга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзосида ҳуқуқий онг тўла шаклланиши лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина ашайди ва рўёбга чиқади. Одамларнинг ҳуқуқий нормаларни тушуниши, ҳурмат қилиши уни ҳаётга татбиқ этиши билан белгиланади. Шундагина давлат ва жамият раванқ топади, халқ фаровонлигига эришилади.

Агар эътибор берилса, фуқаролар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қамситилиши ҳоллари кўпинча ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги туфайли юз беради. Худди шу сабабларга кўра, ҳуқуқлари қамситилган фуқаролар аксарият ҳолларда ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган механизмдан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан фойдаланмайдилар. Бундан ташқари, айнан ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги айрим фуқаролар ижтимоий фаоллиги паст даражада бўлишининг асосий сабабидир. Демак, ҳуқуқий саводхонлик ҳуқуқий-демократик ривожланиш йўлининг энг муҳим хусусиятидир. Давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида жамият аъзоларининг фаол таъсири ҳам бевоқиф ҳуқуқий онг даражасига боғлаб кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий онг шаклланишида ҳуқуқ манбаларининг аҳамияти юқори бўлиб, улар ичида Конституция, шубҳасиз, биринчи ўринда туради. Конституцияни мукамал ўрганган шахс онгда ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича аниқ тасаввур, қўнима, тушунча ҳосил бўлади ва у орқали инсон ўзининг табиат яратган энг олий неъмат эканлигини ҳис қилади. Бош қомус инсонга ана шундай улғуворлик бағишлаши билан ҳам муқаддасдир.

Аваз КОМИЛОВ, Мэлис РАҲМОНОВ,
ТДЮИ талабалари

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Жиззах вилоятида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўнга янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Фаллаорол туманининг Лалмикор қишлоғида 50 ўринли замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиши билан уларнинг сони яна биттага ортди. Янги тиббий муассаса шу ҳудуддаги Оқтош, Бўстон, Ғубдин, Кўтал ва Олмали қишлоқлари аҳлига ҳам тиббий хизмат кўрсатади.

Ўтган асрнинг ўрталарида қурилган Лалмикор қишлоқ участка касалхонаси, табиийки, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган эди. Ушбу эски иншоот ўрнида қад ростлаган қўш қаватли қишлоқ врачлик пунктида физиотерапия, тутуруқхона бўлимлари, кундузги палата, лаборатория мавжуд бўлиб, 15 нафар малакали тиббиёт ходими эл саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

• Минтақа ҳаёти

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУС

Тинчлик нима ўзи? Уни бир сўз ёки жумла билан изоҳлаш, ифодалаш мумкинми? Йўқ, албатта.

Тинчлик инсоннинг осойишталиги, хотиржамлиги, бахт-иқболи, саодати. Келажак ҳақидаги ёруғ ўй-хаёллари, орзу-умидларининг ушалиши учун энг муҳим жиҳат.

Тинчлик бу — инсоннинг инсондай яшаши. Ҳаёт гўзаллигининг мазмун-моҳияти.

Тинчлик — фаровонлик, тўқин-сочинлик манбаи.

Содда қилиб айтганда, ҳалқимизнинг тўй-томошалари, ўйин-кулгуси, куй-кўшиқлари, яхши ният билан иморатлар тиклаб фарзандларига тўй қилиши, ўғил ўйлаб, қиз узатиши, неки шоду-хуррамлик... бари-бари тинчлик туфайли.

Бироқ Ватанинг, миллатнинг тинчлигини асраш, осойишталикини сақлаб туришнинг ўзи бўлмади. Бизнинг тахликали давримизда тинчлик деб оёққа қалқан башариат ўз қисматини ер шарининг ҳаловати билан боғлаётгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон давлати бутун дунёда тинч-товуқлик сиёсатининг барқарорлиги, жаҳонда тинчлик ҳукм суриши учун пешқадамлар сафида курашмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон сиёсати саҳнида Ўзбекистон йўли — тинчлик йўли эканлиги доимий равишда эътироф этилмоқда.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 8 сентябрь кунини Козогистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё мамлакатла-

ри ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолادилар. Бу тарихий, бебаҳо ҳужжат. Жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида мазкур минтақа давлатларининг тинчлик йўлидаги ҳамжихатлиги, мустақкам позицияси намоён бўлди. Ушбу маросимда қатнашган йирик сиёсатчилар Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилганига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, Козогистон ташқи ишлар вазири Қосимжолар Тоқаев: **«Биз тўққиз йил давом этган қизғин ишларни якунладик. Шартнома уни имзолаш ташаббусини биринчи бўлиб илгари сурган Ўзбекистон пойтахтида тасдиқланган»**, деб эътироф этди. Американинг «Озодлик» радиоси орқали Нью-Йоркдаги Колумбия университети эксперти Кимберли Мартен Марказий Осиёдаги етакчилардан бири Ўзбекистон Президентининг ўн йил мобайнида ушбу шартномани имзолаш даъвати билан ташаббус курсатганини таъкидлади.

Орадан бир ой вақт ўтгач, Президентимиз номига Хиросима ядро қуролини тақиқлаш иттифоқининг «Бирдамлик ва миннатдорлик мактуби» келди. **«Сизнинг ҳуку-**

матингиз ва бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг улкан меҳнати сингган Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи ҳудуд сайёрамизда ядро қуролини тарқатмасликка қўшилган буюк ҳисса бўлди...» дейилади мактубда.

1997 йилнинг 15-16 сентябрийда Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 та давлат ва 16 та халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. БМТ, Европа Иттифоқи, «Ядро клуби», Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), Ислоҳ Конференцияси Ташкилоти, Шимолий Атлантика харбий блоку (НАТО), Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик (ОПАНАЛ) сингари халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган ушбу анжуманда Юртбошимиз нутқ сўзлади: **«Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисминимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган тинч ҳаёт кечирийдиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.»**


XXI асрда жаҳоншумул Тинчлик моделини идрок

этиш инсоният учун муҳим бошқич эканлигини таъкидлаган Юртбошимиз, бугунги кунларда ҳам башариат англаши лозим бўлган мавзуга ургу берганди: **«Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб берилган дунё микёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшила- жағини билдиради...»**

1997 йил 9 декабрь кунини эса БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида **«Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш»** тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Бу сиёсий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга молик ҳужжат эди. Тан олиш керак, Тошкент Марказий Осиё ҳаёти билан боғлиқ халқаро анжуманлар ўтадиган шаҳарлардан бирига айлана б қолди.

XXI асрнинг дастлабки 10 йиллигида ҳам Ўзбекистон тинчлик яловини баланд тутиб, жаҳон сиёсати саҳнасида умуминсоний гоғлар тарафдори бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Тарих олдида бу сана жуда жуда қисқа, лаҳзалик бўлиб туюлади. Лекин Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик, жаҳонда осойишталик ҳукм суриши учун қилган саъй-ҳаракати эса залворлидир. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон тинчлик учун курашиди, курашмоқда, курашади.

Қўчқор НОРҚОБИЛ



«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 21,24,28 ноябрь, 1,5,12,15,19,22,26,29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказлади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улўғбек тумани:

— Гулирайхон берк қўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 576 000 сўмдан.**

— Қаландар қўчасида, сатҳи 0,03 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 364 000 сўм.**

— Қаландар қўчасида, сатҳи 0,02 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 576 000 сўм.**

— Р.Икромов 1-тор қўчаси ва Оққўрғон қўчаси кесишган ҳудудда сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 6 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 472 000 сўмдан.**

— Р.Икромов 1-тор қўчаси ва Оққўрғон қўчаси кесишган ҳудудда сатҳи 0,02 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 736 000 сўмдан.**

Учтепа тумани:

— Уйғур қўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 3 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 544 000 сўмдан.**

Юнусов тумани:

— Ҳасанбой-2 мавзеси, Юнусов қўчасида, сатҳи 0,03 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 312 000 сўм.**

— Тошкент автомобиллар ҳалқа йўлида, сатҳи 0,036 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 3 384 000 сўм.**

— Тошкент автомобиллар ҳалқа йўлида, сатҳи 0,034 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 3 196 000 сўм.**

— Радиостанция ҳудудида, сатҳи 0,008 гектардан иборат бўлган 15 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 438 400 сўмдан.**

Яккасарой тумани:

— Ракатбоши қўчасида, сатҳи 0,029 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 615 800 сўм.**

— Белариқ қўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 480 000 сўмдан.**

Шайхонтоҳур тумани:

— Уйғур қўчасида, сатҳи 0,015 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 633 000 сўм.**

— Жар-Ариқ мавзесида, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 424 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истagini билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10% миқдоридеги закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиши ер майдонларига савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр қўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40.

Гувоҳнома № 000815

Сурхондарё «ПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий бирлашмаси жамоаси халқимизни муқаддас байрам — **Рамазон ҳайити** муносабати билан самимий табриклайди.

Бу йил бободехқонларимиз катта ютуқларга эришдилар. Бунда сурхондарёлик пахтакорларнинг ҳам муносиб улуши бор. Эндиги вазифа эса ана шу мўл ҳосилдан халқаро стандартларга мос келадиган сифатли тола тайёрлаш. Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги мавқеи тобора ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни кўплаб мамлакатлардан келган энг йирик пахта истеъмолчилари ҳам яқинда Тошкентда ўтказилган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида таъкидлашди. Аллоҳ назари тушган юртимиз аҳлини байрам билан табриклар эканмиз, тилагимиз шуки, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, хонадонимиздан файзу барака аримасин. **Жонажон ўлкамизни бало-қазолардан Яратганининг ўзи асрасин!**

• Иқтисод ва ислохот

МАНФААТЛАР ТУТАШАДИГАН НУҚТА

ёки «Фаллабанк» Бухоро минтақавий филиалида миқозларга кўрсатилаётган хизмат кўлами ва сифати хусусида

Маълумки, бозор иқтисодий шароитида ҳар қандай банк нуфузини унинг стратегик мақсадлари белгилайди. У ҳам бўлса кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳамда миқозларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг тараққий топишига ётарли шарт-шароитлар яратиш, беминнат кўмаклашидир. Ана шу мақсадга тезда тугал эришилсагина, миқоз билан банк манфаатлари туташиди, ҳар иккала томоннинг бир-бирига бўлган ишончи янада ортади. Буни «Фаллабанк»нинг Бухоро минтақавий филиали фаолиятининг ҳақиқат билан бўлади.

Мустақиллик меваси деб эътироф этилган мазкур банк ва унинг туманлардаги филиаллари таркибий-ташкилий ҳамда иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўзига хос пайдворга эга бўлибгина қолмай, балки муайян тахриба тизими ҳам мавжуддир. Чунончи, қишлоқ хўжалик қорхоналари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерларга молиявий хизмат кўрсатишда тезкорлик ва сифатга алоҳида эътибор берилаётди. Миқозларга тушунириш, тарғиб-ташвиқот ишлари ҳам вақт топилмоқда. Бу эса ой сайин миқозлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Агар ўтган йили 1138 та миқозга хизмат кўрсатиш бўлса, ҳозир бу миқдор 1315 тадан ортади. Шулардан 950 таси кичик бизнес субъектлари, 360 таси фермер ва деҳқон хўжаликлари. Йил бошига нисбатан банк миқозларининг сони қариб 200 тага ошгани қувончли ҳолдир.

Бу эса ана шу миқозлар би-

лан манфаатли ҳамкорлик эвазига соф фойда салмоғи ошди дегани. Бугун банк 62,492 минг сўм соф фойда эгаси бўлиб турибди.

Минтақавий филиал бошқарувчиси **Лукмон НЎМОНОВ**нинг таъкидлашича, ажратилган кредит маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиб, шу йилнинг ўтган тўққиз ойида миқозларга ҳаммаси бўлиб 2611590,0 минг сўм кредит берилган. Бу ўтган йилга нисбатан 2,2 бараварга кўпдир. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш механизми» тақомиллаштириш тўғрисидаги «2004—2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ шу йилнинг ўтган ойларига қишлоқ хўжалиги қорхоналари, фермерларга давлат эҳтиёжлари учун етиштирилган галла ва пахта учун Молия вазирлиги ҳузурдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» ҳисобидан йиллик уч фоиз шарти билан пахтага 1014796,6 минг сўмлик, галлага 135023,8 минг сўмлик имтиёзли кредит берилди. Шунинг эвазига вилоятда давлатга дон, пахта сотиш шартномавий режаси ошариб бажарилди.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан тадбиркорларга жами 599700 минг сўмлик кредит ажратилди. Шундан 49800 минг сўми бюджетдан ташқари фондлар ва 549,900 минг сўми эса банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан миқозларга вақтида берилди. Ми-

қозлар имтиёзли кредит бериш мақсуд жамғармаси ҳисобидан ҳамда истеъмоладан кредитдан ҳам баҳраманд бўлаётганлар. Мазкур кредит асосида ўзининг яшаш шароитини яхшилаб олган, фарзандини олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқитаётганлар кўп. Шу ўтган давр ичида 3 нафар миқозга 8,900 минг сўм миқдорда истеъмоладан ҳамда 1,788 минг сўм миқдорда таълим кредити берилгани фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига филиал жамғармаси амалий иш билан жавоб берапти. Аёллар бошқарадиган ва хотин-қизлар ишлайдиган кичик қорхоналарга имтиёзли кредитлар бериш яқши самара кўрсатмоқда. Ана шундай мақомга эга бўлган 48 миқозга 172 730 минг сўм имтиёзли ва тижорат кредити берилди. Шу боис «Мухтарам Лобарлари» фирмаси миллий зардўзчилик ва патдўзчилик йўлга қўйган бўлса, «Бахрон Косиб» фирмаси Макарон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга муяссар бўлди. Биргина бу эмас, банк билан мекнат биржаси ўртасидаги келишувга мувофиқ, миқозларнинг талабига амалий ёндашган ҳолда 13 нафар миқозга 49 800 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бунда асосан 7 та миқоз оила кредитидан, 6 нафар миқоз эса 40,000 минг сўмлик имтиёзли кредитдан наф қўрадиган бўлди.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан чорва-

чиликни ривожлантириш мақсадида 73 та кам таъминланган оилага 60 784 минг сўм кредит берилди. Бу эса қишлоқда истиқомат қилувчи аҳолига кўрсатилаётган гам-хўрликдан далolatдир.

Яна бир жиҳат

Ҳар бир янгилик банк ходимлари томонидан амалиётга татбиқ этилиши оддий тус олган. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, амалдаги Конституцияга қўра, Грузияда президент сайлови 2009 йили бўлиши керак.

Президентнинг таъкидлашича, 2008 йилда парламент, 2009 йилда эса президент сайловини ўтказиш қўшимча харажатларни талаб этади, бундан ташқари, халқни ҳам қайта-қайта жунбўшга келтириш шарт эмас. Шунинг учун президент сайловини бир йил аввал, парламент сайловлари билан бир вақтда ўтказишга қарор қилди ва буни парламент қўллаб-қувватлашига умид билдирмоқда.

Агар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоллигига Лотин Америкасидан номзод сайлаш боши берк қўчага кириб қолгудек бўлса, Гватемала номзодликдан воз кечиши мумкинлигини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Герт Розентал берган баённота асослаб, «АФР» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Вазирнинг айтишича, Гватемала БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги ўрин учун Венесуэла билан рақобатлашишда давом этади. Фақат бу рақобат ҳеч қандай фойда бермасгина номзодликдан воз кечиши мумкин. Шунда Лотин Америкасининг худудий гуруҳлари вакиллари ўзаро учрашадилар ва янги номзод кўрсатадилар.

Маълумки, пайшанба куни БМТ Бош ассамблеясида Хавфсизлик Кенгаши аъзолари учун овоз беришнинг йиғирма учинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда на АҚШ қўллаб-қувватловидиги Гватемала, на АҚШ сиёсатини бир неча бор қаттиқ танқид остига олган Венесуэла керакли миқдорда овоз ололди. Хавфсизлик Кенгашига аъзоликка сайланиш учун Бош ассамблеяга аъзо давлатлар делегатларининг ўчдан икки қисми овоз бериши лозим.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БИР ЙИЛ ОЛДИН...

Президент Михаил Саакашвили президент-ва парламент сайловларини бир вақтнинг ўзида, яъни 2008 йилда ўтказиш учун мамлакат Конституциясига ўзгартишлар киритиш таклифини парламент эътиборига ҳавола этишни мўлжаллаб турибди.



НЕФТЬ ҚАЗИБ ОЛИШ КАМАЯДИМИ?

Нефти экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) Доха шаҳрида ўтказган навбатдан ташқари мажлисида нефть қазиб олиш учун квотани кўнига бир миллиондан ортик баррелга камайириш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, шу йил 1 ноябрдан нефть қазиб олиш кўнига 1,2 миллион баррелга камайдми, яъни ҳозирги 27,5 миллион баррелдан 26,3 миллион баррелга туширилади. Бу ҳақда ОПЕКнинг расмий вакили Умар Фаруҳ Иброҳим матбуот анжуманида маълум қилди.

Квота 20 фоизга тушиб кетган нефть баҳосини ушлаб туриш учун камайирилди. Нефть қазиб олиш билан боғлиқ ушбу тадбир ташкилотга аъзо барча давлатларга (Ироқдан ташқари) тааллуқлидир.

Экспертларнинг фикрича, яқин кунларда нефть баҳоси кўтарилиши кутилмайди. Ташкилотнинг кейинги мажлиси шу йил декабрда Нигериянинг Абужа шаҳрида бўлиб ўтади.

ГВАТЕМАЛА НОМЗОДЛИКДАН ВОЗ КЕЧИШИ МУМКИН

Агар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоллигига Лотин Америкасидан номзод сайлаш боши берк қўчага кириб қолгудек бўлса, Гватемала номзодликдан воз кечиши мумкинлигини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Герт Розентал берган баённота асослаб, «АФР» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Вазирнинг айтишича, Гватемала БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги ўрин учун Венесуэла билан рақобатлашишда давом этади. Фақат бу рақобат ҳеч қандай фойда бермасгина номзодликдан воз кечиши мумкин. Шунда Лотин Америкасининг худудий гуруҳлари вакиллари ўзаро учрашадилар ва янги номзод кўрсатадилар.

Маълумки, пайшанба куни БМТ Бош ассамблеясида Хавфсизлик Кенгаши аъзолари учун овоз беришнинг йиғирма учинчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда на АҚШ қўллаб-қувватловидиги Гватемала, на АҚШ сиёсатини бир неча бор қаттиқ танқид остига олган Венесуэла керакли миқдорда овоз ололди. Хавфсизлик Кенгашига аъзоликка сайланиш учун Бош ассамблеяга аъзо давлатлар делегатларининг ўчдан икки қисми овоз бериши лозим.



ИНТЕРНЕТ ДАҲМАЗАСИ

АҚШ. Мамлакатнинг 22 та штатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари томонидан интернет-кафеларда ўтказилган махсус текширув натижасида 125 киши қамоққа олинди. Бу ҳақда АҚШ прокурори Кристофер Кристи журналистларга маълум қилди. Унинг айтишича, қамоққа олинганларнинг 14 нафари устидан Нью-Йорк шаҳрида (Нью Жерси штати) суд ҳам бўлиб ўтди.



«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари текширувни интернет сайтлари бўйича олиб борган. Аниқланишича, порнография сайтларига кириш тақиқланган бўлишига қарамай, кўпгина интернет-кафеларда қўшимча тўлов эвазига вояга етмаган ўсмирларга порнография сайтларидан фойдаланиш имконияти яратиб берилган экан.

Прокурорнинг таъкидлашича, яқин кунларда қолган штатларда ҳам махсус рейдлар ўтказилди.

Маълумотларга қараганда, порносайтлардан кўриладиган даромад бир ойда 2 миллион доллардан ортик кетар экан.

Очиқ акциядорлик жамиятининг шаклидаги

«КОСОН ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ»

Ўзбекистон — Америка қўшма қорхонаси жамоаси

халқимизни Ийд ал-Фитр - Рамазон ҳайити

муносабати билан самимий муборакбод этади.

Барчага тинчлик, бахт-саодат, хонадонларга
файзу барака тилайди.
«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» да
амалга ошираётган жамики савобли ва
хайрли ишларингизнинг
барорини берсин.

Ҳайит байрамнингиз муборак бўлсин,
азиз юртодошлар!



